

Фикр дурдоналари (36-қисм)



21:59 / 15.05.2017 6335

186. Иброҳим Фақий айтади: “Агар қадаминг ерда из қолдираётган бўлса, тилинг қалбда из қолдиради”.

187. Баъзилар ҳаётингга неъмат каби кириб келади.

Баъзилар ҳаётингга дарс каби кириб келади.

Неъматни муҳофаза қил.

Дасрдан таълим ол.

188. Баъзи солиҳлар Лаа илаҳа илла анта субҳаанака. Инний кунту миназ золимийн. («Сендан ўзга илоҳ йўқдир. Сен (барча) нуқсонлардан покдирсан. Дарҳақиқат, мен (ўзимга) зулм қилувчилардан бўлдим») ояти ҳақида шундай дейишган: "Бунда тавҳид, тасбеҳ ва истиғфор бор". Аллоҳ

таоло Юнус алайҳиссаломни шу дуони қилганларидан сўнг балиқнинг қорнидан ташқарига чиқариб, нажот берган. Шунинг учун ғамга ботган, бошига мушкул тушган, иши битмаётган кишиларга шу дуони кўп айтиш тавсия қилинган.

189. Бир аъробийга ўлим келди. Унга: “Қўрқмаяпсанми?” дейилди. “Ўлимдан кейин нима бор?” деб сўради. “Аллоҳга йўлиқиш” дейилди. “Яхшилиқни фақат Ундан кўрганим Зотга йўлиқишдан нега қўрқай?!” деди.

190. Сенга эътибор сени яхши кўрадиган қалбдан келади. Шунинг учун сенга эътибор бермаётган шахсни койиб, ўзингни қийнама!

Қуйидаги маълумотлар фейсбукдаги “Роваиъул фикр” (Фикр дурдоналари), “Ховатир роқия” (Салмоқли фикрлар) каби саҳифалардан олинган.

Нозимжон Ҳошимжон таржимаси